

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ГАФАРОВА ФЕРУЗА МУРАТХОДЖАЕВНА

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ДИСФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.25 – Клиник- лаборатор ва функционал диагностика
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Тиббиёт фанлаари доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) медицинских наук

Contents of dissertation abstract of doctor of medical science (DSc)

Гафарова Феруза Муратходжаевна

Чақалоқларда дисфункционал ҳолат ривожланишининг
клиник -биокимёвий механизмлари ва эрта ташхислаш

мезонлари 3

Гафарова Феруза Муратходжаевна

Клинико-биохимические механизмы развития и критерии
ранней диагностики дисфункционального состояния у
новорожденных.....

33

Gafarova Feruza Murathodjaevna

Clinical and biochemical mechanisms of development and
criteria for early diagnosis of a dysfunctional condition in newborns

63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 67

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ГАФАРОВА ФЕРУЗА МУРАТХОДЖАЕВНА

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ДИСФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.25 – Клиник- лаборатор ва функционал диагностика
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib118 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.info@tipme.uz) манзили бўйича ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Арипов Абдумалик Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фазлитдин Сайфиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ройтман Александр Польевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия федерацияси)

Хайдарова Мухтабар Маннаповна
тиббиёт фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « ____ » _____ да соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани Форобий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.К. Рахманова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Неонатологиянинг долзарб муаммолардан бири бу чақалоқларнинг транзитор ҳолатларини текшириш ва ушбу даврнинг ташқи ўхшаш физиологик ҳамда патологик ходисалари ўртасидаги чегараларни аниқлашдир. Транзитор ҳолатларнинг характеристикалари аниқ белгилаб қўйилган, аммо дисфункционал ҳолатлар (ДФХ) учун аниқ чегаралар аниқланмаган. Чақалоқларда ДФХ ривожланишнинг ҳақиқий клиник-биокимёвий механизмларини аниқлаш, перинатал патологиянинг моҳиятини чуқур англаш учун ёрдам беради ва уларда функционал бузилишларнинг ривожланиш хавф омилларини илмий жиҳатдан аниқлаш зарурлигини белгилайди. Бу эса ўз навбатида «... «биринчи алоқа» хизматлари- бирламчи тиббий-профилактика хизмати (БТПХ), уларнинг прогностик ахамиятини тўғри белгилаш ва тегишли тиббий соғломлаштириш тадбирларини ўз вақтида олиб бориш, шунингдек, соғлом ўсиб ривожланишининг мақбул ҳолати учун зарур шарт-шароитлар.....»¹ ни яратишда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, дисфункционал ҳолатларни эрта ташхислаш, патологик ҳолатга ўтишини олдини олиш, неонатал даврнинг турли босқичларида зарарли омилларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича комплекс чоратадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш тиббиётда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида чақалоқларда дисфункционал ҳолатларнинг тез-тез учраётгани, клиник ва биокимёвий ўзгаришларнинг турғунлиги, ушбу ҳолатнинг асосий белгиларини эрта аниқлаш, ривожланиш механизмларини ўрганиш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни, хусусан янги туғилган чақалоқларни парвариш қилиш стратегияси ва тактикаси, шунингдек ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича Халқаро педиатрлар коллегияси² (АҚШ, 2016 й.) томонидан бир қатор мамлакатларда Умумий амалиёт шифокорлари билан ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Россияда ДФХни (диспепсия, конъюгацион сариқлик, юракнинг транзитор ишемияси, туғруқ дисфункцияси, нефропатия шаклланиши) аниқланганлар сони кўпайиши кузатилмоқда, бу эса янги туғилган чақалоқларни туғруқхонадан эрта чиқариб юборилиши ва уйда тиббий кузатувнинг етарлича ташкил этилмаганлиги билан боғлиқ.³ Хусусан, адаптация бузилишининг асосий омиллари, болалардаги ва уларнинг оналарида

¹ Giorgio Tamburlini, Anduena Alushaj. Центр здоровья детей некоммерческой организации Должен ли педиатр знать больше о раннем развитии ребенка. //Педиатрическая фармакология 2016. Т. 13. №5.С499-501.

² Фанарофф Д. М., Ж.-М. Гаско, Хансен Т.В.Р. соавт. Этические и практические аспекты неонатологии при пограничной жизнеспособности: международные тенденции //Неонатология: новости, мнения, обучение. 2016. № 4. С. 16-27.

³ Байбарина Е. Н., Дегтярев Д. Н. Перинатальная медицина: от теории к практике // Росс.вест. перин. и педиатрии. – 2017. - №5. - С. 4-8..

дисфункциянинг қўшимча белгиси бўлиб хизмат қилувчи клиник-парақлиник тавсифи аниқланмаган.

Мамлакатимизда бир ёшгача бўлган болалар касалликлари ҳамда уларнинг хавф омилларини олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, болалар ўлими ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чақалоқларда дисфункционал жараён ривожланиши клиник-биокимёвий ўзига хос жиҳатларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларни камайтириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар болаларда эрта неонатал даврда мослашишнинг бузилишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш, дисфункционал ҳолат ривожланишининг клиник-биокимёвий механизмларини аниқлаш, эрта ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликнинг асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590–сон фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли фармони. www.lex.uz.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵.

Янги туғилган чақалоқларда органлар ва тизимларнинг бузилишларини олдини олиш, диагностика қилиш бўйича илгари қабул қилинган протоколларни қайта кўриб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари самарали клиник амалиёт ва тиббий ёрдам ташкилоти (СКАТЁТ) бўйича Кохран гуруҳи тадқиқотларида, неонатологлар ассоциацияси - <http://neonatology.pro/>; American Academy of Pediatrics (AAP), Педиатрия академик жамияти (PAS), International Pediatric association (IPA), European Pediatric Association (EPA/UNEPSA), Чандигархнинг (Хиндистон) неонатология маркази ва дипломдан кейинги тиббиёт институти мутахасислари илмий тадқиқотларида олиб борилмоқда.

Чақалоқларда дисфункционал ҳолатларнинг кўп учрашига қарамай, муҳим илмий натижалар саноклигина. Функционал бузилишлардан фақатгина хазм тизими дисфункционал ҳолати кўриб чиқилган: 2006 йилда Халқаро консенсус билан тасдиқланган томонидан маъқулланган ва III Рим мезонлари номини олган, унда илк бор «меъда-ичак трактининг функционал бузилишлари» бўлими ажратилган. Халқаро социал педиатрия ва болалар саломатлиги жамияти (ISSOP), Европа бирламчи тиббий ёрдам педиатрлар конфедерацияси (ЕСРСР), Европа педиатрлар ассоциацияси (ЕРА), Европа педиатрлар жамияти иттифоқи (UNEPSA), Оналар ва болалар соғлиғини химоя қилиш фонди (FUNDASAMIN), таъкидлашча, болаларда эрта неонатал даврда мослашишнинг бузилишига олиб келувчи омиллар ва унинг ривожланиш механизми аниқланмаган^{6,7}. Чақалоқлардаги дисфункционал ҳолатларда азот оксиди молекуласи химоя механизмининг зарарли томонга ўзгариши жараёнлари номаълум бўлиб қолмоқда. Чақалоқларда дисфункционал ҳолат ривожланишининг клиник-биокимёвий жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, кўйдаги илмий натижалар олинган: Швецария олимлари ҳомиладорлик даврида ақлий меҳнат билан шуғулланган оналардан туғилган болаларда колика ривожланиш хавфининг ошишини кўрсатиб берганлар. Россия педиатрия ва болалар хирургияси илмий амалий маркази тадқиқотчилари гипоксия билан туғилган чақалоқларда ичак санчиғининг кўплаб учрашини қайд этишган, ҳамда ичак микробиоценозидаги ўзгаришлар клиник кўринишлардан анча олдин содир бўлишини ва бола организмнинг клиник ва физиологик ҳолатидаги ўзгаришларнинг хабарчиси эканлиги аниқланган (Россия); чақалоқликнинг эрта неонатал давридаги нафас олиш тизими дисфункционал ҳолати болаларда аллергия жараёнларни ривожланишини

⁵ <http://neonatology-nmo.geotar.ru/>; <http://neonatology.pro/>; <http://clinicaltrials.gov/>; <http://controlled-trials.com/>

⁶ JulijeMestrovic, PaoloManzoni. Врожденные пороки сердца. //Педиатрическая фармакология 2016. Т. 13. №5.С.502-503.

⁷ ВаппСМ, WallanderЛ, 00 В. et al. Home-based early intervention and the influence of family resources on cognitive development. Pediatrics.2016; 137 (4).

прогнозлашга имкон беришини аниқладилар (Испания); Халқаро нефрологлар жамиятининг таъдқиқотлари, неонатал даврда буйрак функциясининг бузилиши унинг суюлтириш ёки концентрация қилиш қобилиятини бузиш эмас, тартибга солиш тизимининг вақти-вақти билан юзага келадиган функционал нуқсониди бўлиши мумкин деган хулосага келган, ундан ташқари ишемик нефропатия самотоневрологик патологияни ёмонлаштириши ва турли асоратлар келтириб чиқариши аниқланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунё бўйлаб чақалоқларда дисфункционал ҳолатларнинг кўп учрашига қарамай, уларга санокли текширувлар бағишланган (Nelson R.M., 2012; Котлукова Н.П., 2014; Барашнева Ю.И., 2016; Яцыка Г.В., 2019); чоп этилган маълумотларга кўра, Испанияда педиатрга барча мурожаатнинг 20% атрофида чақалоқлардаги ичак коликаси билан чақирилган (Perez Solis D. et al., 2013); РФ ССВ Москва педиатрия ва болалар хирургияси ИТИ тадқиқотчилари Россияда чақалоқларда коликанинг учраш частотаси 30-70% гачани ташкил қилишини аниқладилар (Бердникова Е.К., Кешишян Е.С., 2017); Ulleval University Hospital (Испания) нинг туғруқ бўлимида туғруқдан сўнг нафас олишнинг бузилиши 3 ёшдан катта болаларда астма ривожланишини прогнозлашга имкон беришини аниқладилар (Lodrup Carlsen K.C. et al., 2016); Patisson N., Mc Cowan L. (2014) маълумотларига кўра, вақтида туғилган чақалоқларда юрак-қон томири тизими дизадаптация синдромининг тарқалганлиги 12-60% ни ташкил қилади; критик ҳолатда бўлган чақалоқларда, буйрак функциясининг бузилиши деярли 100% ҳолатларда ривожланади. Ишемик нефропатия самотоневрологик патологиянинг кечишини оғирлаштиради ва турли асоратларга олиб келиши мумкин (Чугунова О.Л. 2016).

Замонавий адабиётларда чақалоқлардаги конкрет дисфункционал ҳолатларни ривожланиш механизмини ўрганиш бўйича тадқиқотлар йўқ, жуда санокли. Эрта адаптация даврида чақалоқлар дисфункционал ҳолатларини аниқ баҳолашга имкон берувчи, уларнинг клиник биокимёвий мезонларни аниқламасдан, диагностика қилишнинг имкони бўлмайди, чунки бундай оғишлар функционал бузилишлар ва касалликлар шаклланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. .

Бирламчи бўғинда чақалоқларда ДФХнинг профилактика дастурлари ва клиник-лаборатор ўзгаришлар даражасининг диагностик баҳолашни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-текшириш ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болалар касалликлари ва аёллар репродуктив саломатлигининг тиббий ва ижтимоий аспекти» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2020йиллар).

Тадқиқот мақсади чақалоқларда дисфункционал ҳолат ривожланишининг клиник-биокимёвий механизмини комплекс таҳлил қилиш ва унинг ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

чақалоқларда дисфункционал ҳолатларнинг тарқалиши ва клиник кўриниши хусусиятларини ўрганиш асосида уларни эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

чақалоқлар дисфункционал ҳолатини клиник-биокимёвий ва инструментал-диагностик белгиларини ўрганиш ва улардаги чегара ҳолатларини дисфункционал ҳолатга трансформацияси қонуниятларини аниқлаш;

клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси асосида чақалоқларда дисфункционал ҳолатларнинг ривожланиш механизмини аниқлаш;

етақчи хавф омилларини аниқлаш, мослашиш даврида дисфункционал ҳолат (ретроспектив ва проспектив таҳлил асосида) ривожланишига таъсир даражасини ўрганиш ва уларнинг прогностик қийматини баҳолаш;

болаларда ташхисланган дисфункционал ҳолатларнинг кейинги 3 йилдаги оқибатини таҳлил қилиш;

соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида дисфункционал ҳолатни эрта ташхислаш ва профилактика усулларини оптималлаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида 29-40 хафталик гестацион ёшдаги 663 нафар чақалоқлар ва уларнинг 278 нафари оналари, 70 нафар шифокор-тингловчилари ташкил этган (2013- 2020 й).

Тадқиқот предмети сифатида касаллик тарихи, тасодикий танланган 100 нафар боланинг ривожланиш тарихи (Ф-112) нусхаси, шунингдек, қон зардоби ва плазма, сийдик, мекония, нажас, қусуқ массаларининг текширув натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, микробиологик, инструментал, математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк маротаба чегарадош ҳолатларнинг дисфункционал ҳолатга айланиши ва улар орқали патологик ҳолатларга ўтиш қонуниятларининг клиник хусусиятлари очиқ берилган;

дисфункционал ҳолат ривожланишининг ўзига хос клиник ва патологик жараёнга ўтиш эҳтимолининг биокимёвий механизмлари асосланган;

транзитор ҳолатни дисфункционал ҳолатга, ундан патологик жараёнга ўтишининг мезонларини белгилашда клиник-биокимёвий кўрсаткичлар натижаларининг чегаралари диагностик ва ўзига хос прогностик белгилари ишлаб чиқилган ва тизимлаштирилган;

неонатал даврда азот оксиди синтезини кучайишини, чақалоқлар орган ва тизимларида микроциркуляциянинг гемодинамик жараёнларни сақлашга қаратилган компенсатор- мослашувчанлик омили эканлиги исботланган;

чақалоқларда дисфункционал ҳолат эхтимolini оширадиган имкониятларнинг нисбати, Good Clinical Practice стандартларига мувофиқ оналардаги етакчи прогностик хавф омиллари аниқланган;

илк маротаба дисфункционал ҳолат ўтказган чақалоқлар ҳаётининг кейинги 3 йилида тез-тез касалланиш, вегетовисцерал ва қовуқ нейроген дисфункция, тубулоинтерстициал нефрит, қабзият кузатилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чақалоқларда дисфункционал ҳолатни эрта ташхислаш ва прогнослаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида чақалоқлар патронажини ташкил этишда дифференциялашган ёндашувни таъминлаган;

диагностика алгоритми эрта неонатал дезадаптация ривожланишининг юқори ишончлилик билан аниқлаш, неонатал даврда чақалоқларда функционал бузилишларнинг оғирлик даражасини баҳолаш имконини беради;

хавф омиллари аниқланган, мослашув даврида дисфункционал ҳолат ривожланишига таъсир даражаси кўрсатилиб, прогностик қиймат баҳоланган;

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими мутахассисларини (умумий амалиёт шифокорлари, педиатрлар) дисфункционал ҳолатни эрта аниқлашнинг аҳамияти, кечишининг динамик назорати, ўз вақтида консерватив ва тезкор профилактикани амалга ошириш лозимлиги ҳақида хабардор бўлишлари зарурлиги исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив, клиник, лаборатор-инструментал, биокимёвий, бактериологик, иммунофермент ва статистик текширув усуллари натижаларига, ҳамда умумий амалиёт шифокорлари сўровномаси ва ретроспектив (вазият-назорат) текширув натижаларига асосланган (имкониятлар ва касаллик ривожланиши нисбий хавфининг ўзаро нисбатини ҳисоблаш).

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, уларда чақалоқларда дисфункционал ҳолат ривожланишининг патогенетик, клиник ва биокимёвий механизмлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар патронажни оптималлаштириш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида чақалоқларни олиб бориш/даволаш самарадорлигини ошириш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларига риоя қилиш имконини берувчи, дисфункционал ҳолатни эрта ташхислаш алгоритми ва дастлабки патронажини ўтказиш бўйича клиник протокол ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чақалоқларда дисфункционал ҳолат ривожланишининг клиник-биокимёвий механизмлари ва эрта ташхислаш мезонлари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Чақалоқларда жигарнинг дисфункционал ҳолати ва уни коррекция қилиш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 29 декабрдаги 8Н-д/36-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бемор болаларда ташхислаш самарасини оширишга ёрдам берган. Маълумотлар асосида чақалоқлардаги мослашув жараёнидаги дисфункционал ҳолатлар асослари ва шу ҳолатга мойилликни аниқлашга, уни олдини олишга ҳамда монанд даволаш-профилактика ишларига ёрдам берди.

«Постнатал мослашув даврида чақалоқларда интерферон тизими» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 29 декабрдаги 8Н-д/36-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиянома чақалоқларда интерферон тизимининг неонатал даврига хос хусусиятлари, келиб чиқадиган яллиғланиш ҳолатларни эрта ташхислаш, қайта- қайта ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш ва уларни асоратланишини, ҳамда давомийлигини камайтириш имконини берган.

Олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия марказида, Олмалиқ шаҳар, Сирдарё вилояти болалар кўптармоқли тиббий марказларида тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 8Н-з/158-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар чақалоқлардаги дисфункционал ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш-профилактика тадбирлар ёрдамида патологик жараён ривожланишини бартараф этиш, қайта касаллик келиб чиқишини 2-3 баробар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманлар ва конгрессларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 19 та мақола, 14таси республика ва 5та хорижий журналларда, ҳамда 10 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва ҳажми 170 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мослиги тавсифланган, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг «Чақалоқларнинг дисфункционал ҳолатини ташхислаш, кечиши ва башоратлаш масалаларининг ҳозирги ҳолати» деб номланган **биринчи бобида** илмий ишга тегишли адабиётлар шарҳи келтирилган. Мослашиш даврининг ўзига хослиги, чақалоқлар дисфункционал ҳолатини ташхислаш, кечиши ва прогнози, она соғлиғининг аҳволи, эндотелиал тизимнинг функционал-метаболик фаоллигининг шаклланиши ҳамда клиник амалиётда чақалоқларда интерферон даражасини текширишнинг диагностик аҳамияти, муаммонинг ҳолати, воқелиги ва келажаги ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган **иккинчи бобида** текширилган 278 нафар оналарнинг акушер-гинекологик анамнези, ва предгестацион текширувнинг натижалари ҳамда гестацион даврнинг кечиши, дисфункционал ҳолати бўлган чақалоқларнинг оналарида ҳомиладорлик даври ва туғруқнинг кечиши, амбулатор карталарнинг ретроспектив таҳлили ва 70 нафар умумий амалиёт шифокорининг сўровномаси ёритилган.

Когорт бўйлама (проспектив) текширув экстрагенитал касалликлари бўлган оналардан туғилган болаларнинг она қорнидан ташқаридаги ҳаётга мослашиш ҳолатини бутун касаллик даврида кундалик клиник баҳолаш, лаборатор кўрсаткичларни аниқлаш, инструментал усулларни бажариш билан динамикада кузатишни ўз ичига олган. Текширувдан ўтказилганлар:

- ҳомиладорлик даврида мунтазам шифокор назоратида бўлган соғлом оналардан муддатига етиб туғилган 50 нафар чақалоқ; уларда ва уларнинг болаларида туғруқ ва туғруқдан кейинги давр асоратсиз кечган. Барча туғруқлар муддатида кечган ва лактация меъёрида бўлган, Апгар шкаласи бўйича болалар ҳолати 8-9 балл билан баҳоланган;

- гестациянинг турли муддатларида турлича экстрагенитал касалликлари бўлган оналардан туғилган ҳар хил функционал ўзгаришлари бўлган 663 нафар чақалоқлар; Апгар шкаласи бўйича болалар ҳолати 6-8 баллни ташкил қилган; эрта ва кеч неонатал даврларда текширувдан ўтказилган.

Жигарда (114), буйракларда (46), меъда-ичак (200) ва юрак-қон томир (46), (42 бола), марказий асаб тизими (215), интерферон тизим (110) ларида респиратор ўзгаришлар сабабли жами 753 болада дисфункционал ҳолат аниқланган.

Текширувда қуйидаги клиник, математик, лаборатор, инструментал ва рентгенологик текширув усуллари қўлланилган:

1. анъанавий клиник таҳлиллар - умумий қон, пешоб, нажас таҳлиллари; кусуқ массасининг рН;

- қон ва пешобнинг биокимёвий таҳлиллари - билирубин, ишқорий фосфатаза, аланин (АлАТ) ва аспартат трансаминазалар (АсАТ), альбумин, умумий оксил, мочевина, креатинин, холинэстераза;

- кардиоспецифик ферментлар – Креатинин фосфокиназа (КФК) ва лактатдегидрогеназа 1 (ЛДГ1) изоферментлари;

- аспират, меконий ва нажаснинг бактериологик тахлили - Bifidobacterium spp., Lactobacterium spp., анаэроб коклар, Enterobacteriaceae, E.coli (л+), E.coli (л-), Citrobacter spp., Proteus spp., ферментацияланмайдиган грам манфий таёқчалар, Streptococcus гр.Д., Staphylococcus epidermidis, St. Aureus, Corynebacterium spp., Bacillus spp., Candida spp.

2. Эндотелиал тизим ҳолатини баҳолаш - Грисс рактивидан фойдаланган ҳолда, унинг асосий барқарор метаболитлари(NO^{2-} va NO^{3-}) учун азот оксидининг (NO) эндоген даражаси;

3. α ва γ интерферонини аниқлаш - периферик қон зардобида вирусга қарши (α -ИФН) ва яллиғланишга қарши (γ -ИФН) интерферонлар даражаси «Вектор-Бест» тест – тизимдан фойдаланган ҳолда иммунофермент усули билан ўрганилган (Новосибирск, Россия).

4. Математик таҳлил - ретроспектив (вазият-назорат) текишируви имкониятлар ва касаллик ривожланиши нисбий хавфининг ўзаро нисбатини ҳисоблаш асосида олиб борилди (1-жадвал):

1-жадвал

Имкониятлар ва нисбий хавфининг ўзаро нисбатини ҳисоблаш

| Воқеа (вазият) | Омил бор (асосий гуруҳ) | Омил йўқ (назорат гуруҳи) |
|----------------|----------------------------|------------------------------|
| Бор | <i>a</i> | <i>b</i> |
| Йўқ | <i>c</i> | <i>d</i> |

Белги борлигида (белгининг) касалликнинг ривожланиши имконияти:

$$\frac{\frac{a}{a+c}}{c} = \frac{a}{a+c} \quad (1)$$

Белги йўқлигида касалликнинг ривожланиши имконияти: $\frac{\frac{b}{b+d}}{d} = \frac{b}{b+d} \quad (2)$

Имкониятлар нисбати (*odds ratio*): асосий гуруҳда таъсир кўрсатиш мавжудлигидаги имконият ва назорат гуруҳида таъсир кўрсатиш мавжудлигидаги имкониятга бўлинган:

$$OR = \frac{\frac{a}{c}}{\frac{b}{d}} = \frac{a \cdot d}{c \cdot b} \quad (3)$$

Касалликнинг ривожланиш хавфи – бу омилнинг таъсирига учраган гуруҳдаги касалланиш $a/(a+b)$ (4), омилнинг таъсирига учрамаган гуруҳдаги касалланиш $c/(c+d)$ (5).

Касаллик ривожланишининг нисбий хавфи (relative risk) – омил таъсирига учраган гуруҳдаги касалланишнинг омил таъсирига учрамаган гуруҳдаги касалланишга нисбати:

$$RR = \frac{\frac{a}{a+b}}{\frac{c}{c+d}} = \frac{a \cdot (c+d)}{c \cdot (a+b)} \quad (6)$$

5. *Инструментал усуллар*: нейросонография, ички аъзоларнинг ультратовуш, ЭКГ, пульсоксиметрия текширишлари.

Статистик ишлов бериши Microsoft Excel 2012 for Windows дастурининг статистик таъминот тўпламларидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули билан амалга оширилди.

Диссертациянинг «Неонатал даврда чақалоқларда дисфункционал ҳолатлар диагностикаси, клиникаси ва кечишининг ўзига хослиги» деб номланган **учинчи боб**да соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида патронаж кўригининг асосий йўналишлари, ҳамда функционал бузилишларга нисбатан эпидемиологик вазиятлар ва унинг шаклланишида ҳар бирининг дифференциацияланган улуши тахлилининг натижалари келтирилган (амбулатор карталарнинг ретроспектив тахлили).

Сўров иштирокчилари (70 УАШ) функционал бузилишлар бўлган болалар сонини кўрсатишлари ва ўз участкаларида уларни олиб бориш тактикаларини баҳолашлари лозим бўлди. Натижалар шуни кўрсатдики, кўпчилик УАШ лар неонатал даврдаги функционал бузилишларни бири-биридан ажрата олмайдилар. Амбулатор карталарда патронажликнинг асосий йўналишларини рўйхатга олишни ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланди. Шу нарса аниқландики, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларидаги 85,9% шифокорлар ўз қайдларида функционал бузилишларни акс эттирмаганлар. ДФХ бўлган болалар транзитор ва патологик ҳолатларга кўра мос равишда 3,6 ва 3,7 баравар кўп бўлганлиги қайд этилди. Транзитор ҳолатларни ДФХларга, уларни патологик ҳолатга айланишининг башоратлаш мезонлари аниқланди, гуруҳларга ажратилди ва клиник белгилар - (симптомларнинг юзага келиш вақти, давомийлиги, ўсиш/интенсивлиги, боланинг умумий ҳолати), лаборатор-инструментал кўрсаткичлар (ўзгаришлар давомийлиги, ошиши/камайиши) асосланди. Чегара ҳолатларини (n=441) ўтказган чақалоқлар кузатилиб, клиник кўринишлар давомийлигига эътибор қаратилди (1 расм).



1- расм. Чегара ҳолатларининг трансформацияси

Бизнинг фикримизча, бу натижалар соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими шифокорлари эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Чақалоқларда неонатал даврда функционал бузилишларнинг учраш сони клиник-диагностик белгилар тахлилининг натижалари бўйича баҳоланди.

Марказий асаб тизимининг дисфункционал ҳолати. Ҳаётининг дастлабки 5 кундаги бирламчи кўрикда болаларнинг асосий қисмида спонтан ҳаракат фаоллигининг ўзгариши, чинқирик, талваса, сўриш ва маҳкам тутиб олувчи рефлекслар ёки Бабинский рефлeksi, тахи - ёки брадикардия кўринишидаги вегетатив дисфункциялар, артериал қон босими даражасининг, нафас олиш ритмининг ва қорачиқ реакциясининг ўзгаришлари аниқланмади. Бироқ 5% болаларда вақти-вақти билан юзага келган кўзнинг сузилувчи ҳаракати, 5% да – йўргакланганда ёки кўрув жараёнида турғун тремор, 6% да – мушак тонусларининг енгил ўзгариши, 7% да – физиологик гипертонус яъни тонуснинг ошиши, 5% да – мушаклар тонусининг пасайиши кузатилган. 2% чақалоқларда периостал рефлексларнинг жонланиши, 12,5% да – Моро (1 абортив фазаси), 12,5% да – Галант ва Перес, 8% - да кадам ташлаш ва 10% да – таянч рефлексларининг пасайиши кузатилган. Бундай оғишларнинг энг кўп тарқалганлари орасида тремор ва мушаклар тонусининг ошиши, Галант ва Перес ҳамда, таянч ва кадам ташлаш рефлексларининг пасайишларини келтириш мумкин.

Шартли равишда соғлом деб баҳоланган чақалоқлар неврологик ҳолати динамикаси тахлил қилинганда чақалоқлик даврида неврологик бузилишларга эга бўлганларда ҳаётининг биринчи йилида неврологик статусида оғиш кўпроқ кузатилганлигидан иборат аниқ қонунийликни кўрсатди. Чақалоқлик даврида сўнги гуруҳда кўпинча тремор ҳолати, мушак тонуси физиологик даражасининг ошиши, ёки ушбу симптомларнинг биргаликда учраши кузатилган.

Биз неврологик статусда транзитор физиологик ўзгаришларни соғлом болаларнинг ярмидан кўпида (57,7%) аниқладик. Улар (чақалоқларнинг неврологик дисфункцияси) ўтиб кетувчи ғилайлик ёки эпизодик тарзда рўй

берган кўзларнинг сузулувчи ҳаракати, кўрув жараёнига реакциянинг пасайиши, турғун бўлмаган тремор ва перинатал рефлекслар амплитудасининг бироз ўзгариши, физиологик мушак тонусининг енгил ошиши ёки пасайиши, Моро, Галант, қадам ташлаш ва таянч рефлексларининг пасайиши, тарқоқ ўчоқли белгилардан (иккитадан кўп эмас) иборат бўлди. Ҳаётининг биринчи тўрт кунда қуйидаги динамика кузатилди: 1-кунда эзувчи симптомларининг устунлиги, 2- кунда уларнинг ошиб бориши, 4-кунга келиб энг кам намоён бўлиши ва чақалоқлик даврининг охирида йўқолиб бориши (ҳаётининг 4-ҳафтасига келганда). Мия перинатал гипоксиясининг неврологик симптомлари соғлом чақалоқлардаги асаб тизимининг транзитор ўзгаришидан клиник кўринишларининг ифодаланди ва турли-туманлиги, ҳамда қуйидаги динамика билан фарқ қилди: ҳаётининг 1-кунда енгил манифестация, 2-кунда клиник кўринишнинг текисланиши ва ўчоқли неврологик симптоматиканинги ошиши 4-кунда максимал намоён бўлди.

Респиратор тизимнинг дисфункционал ҳолати. Бола аҳволининг клиник характеристикаси ҳаётининг дастлабки 10 куни давомида ташқи нафас фаолияти бузилишининг мавжудлиги ва характерини баҳолашни ўз ичига олган. Ҳаётининг дастлабки дақиқалари ва соатларига алоҳида эътибор қаратилди - туғилгандан сўнг дастлабки 30 дақиқа, 2,6 ва 24 соатдан сўнг. Текширувда Silverman ва модификацияланган Downs шкалаларидан фойдаланилди [Н.П. Шабалов, 2004]. Бироқ нафас бузилишининг оғирлиги ҳақидаги охирги хулоса ЎзР ССВ тавсиялари асосида тузилди (225 буйруқ, 2013 й.). Унинг белгилари: нафас олишда ёрдамчи мушакларнинг иштироки, нафас олиш сони (10 дақиқа ичида санаш), сатурация, оксигенотерапиянинг давомийлиги.

Туғилгандан сўнг 15-30 дақиқа ўтгач олиб борилган кўрув 34% болаларда, айниқса, брадикардия билан бирга келган апноэ мавжудлигини кўрсатди.

Дисфункционал ҳолатга қараганда патологик ҳолатда апноэ кўпроқ учраши аниқланди. Патологик ҳолат бўлган болаларда апноэнинг давомийлигини неврологик бузилишлар билан эмас, нафас оғирлиги билан кечиши аниқланди.

Апноэ ҳолатларининг давомийлиги ва қуйидаги мезонлардан бир нечасига ёки уларнинг бирикмасига жавоб берувчи апноэлар сони таҳлил қилинди: 20 сонияга тенг ёки ортиқ давом этган, қоннинг кислород билан сатурациясининг SpO₂ 90% ва ундан кам даражага пасайиши, ЮҚС ≤ 80 марта/дақ. билан брадикардия. ДФҲ бўлган болаларда бўлмаганлардан фарқли равишда апноэ ҳолати анча қисқа бўлиб, давомийлиги - ≤ 20 сониядан ошмаган. Патологик ҳолат аниқланган болаларда SpO₂ нинг 80 % дан пасайиши бир неча марта кўп учраган. Туғилгандан сўнг 15-30 дақиқа ўтгач барча болаларда тахипноэ кузатилган - нафас олиш сони бир дақиқада 60-80 марта, уларнинг 12 нафарида ундан ҳам кўп; 17 болада эса нафас

олишда бироз ёрдамчи мушакларнинг иштироки кузатилган. Аускултацияда 23 болада нафас олиш сустлашган (2-жадвал).

2 -жадвал

Чақалоқларда функционал бузилишларга боғлиқ ҳолда респиратор мониторинги

| Кўрсаткич | Дисфункционал ҳолат (n = 10) | Патологик ҳолат (n = 10) | P |
|--|------------------------------|--------------------------|-------|
| Апноэ бўлган болалар сони | 4 | 7 | - |
| Апноэ сони | 5 | 18 | - |
| Апноэнинг давомийлиги, сон | 12,7±1,1 | 19,0±2,6 | ≥0,05 |
| Десатурацияли апноэ≤ (90%) | 2 | 9 | ≤0,05 |
| Юрак қисқаришлари сони (ЮҚС) ≤80 марта/дақ апноэ билан | 3 | 2 | ≥0,05 |

Барча болаларда SpO₂ 90% дан камни ташкил қилган ва улар кислородотерапия олганлар. Кислород назал вилка (канюля) ёрдамида 0,5л/дақ тезлигида берилган ва сатурация 92-95% ни ташкил қилган. Оксигенотерапия болалар ҳолатини стабиллаштириш ва оғирлашишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган. Бола мустақил равишда тўйиниш даражасини 90% дан юқорида тутиб тура олганда ва унинг умумий аҳволи яхшиланганда кислород бериш тўхтатилди ҳамда юқорида келтирилган симптомлар эса йўқолган.

Ҳаётининг дастлабки 2 соати давомида симптомлар сақланиб турган, бироқ 14-соатларга келиб фақат 7 болада нафас олиш суст бўлган. 1-2 кундан (24- 48- соатлар) сўнг чақалоқларнинг аҳволи яхшиланган ва кислород бериш тўхтатилган. Афтидан, онанинг соматик ва акушерлик патологиясининг оғирлиги чақалоқнинг респиратор функциясига салбий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Респиратор бузилиш ривожланишининг хавф омилларини тўғри баҳолаш бундай чақалоқларга тўлиқроқ тайёрланиш ва самарали тиббий ёрдам кўрсатишга имкон беради. Профилактика ва даво чораларининг ўз вақтида ўтказилиши эса нафас бузилишларининг оғирлигини ва асоратларнинг сонини пасайтиради.

Юрак-қон томири тизимининг дисфункционал ҳолати. Уни аниқлаш мақсадида болаларнинг 2 гуруҳида текширув олиб борилди: уларни биринчи гуруҳини ДФХ бўлган 34 бола ва иккинчисини патологик ҳолат аниқланган 12 бола ташкил этади. Юрак-қон томир тизими ўзгаришларида кузатиладиган у ёки бу клиник белгилар 1-гуруҳдаги барча болаларда қайд этилди. Булар периорал ва акроцианоз билан тери қопламанинг рангпарлиги (78%), юрак қисқариш сонининг 80–110 марта/дақ билан брадиаритмия кўринишидаги

юрак ритмининг синусли бузилиши (49%) ёки ЮҚС нинг 160–180 марта/дақ тахиаритмия (11%), юрак тонларининг бўғиқлашиши (11%) каби белгилар эди. Барча беморларда тўш соҳасининг чап томонида дағал бўлмаган систолик шовқин эшитилди.

Ҳаётининг 2-ҳафтасида ритмнинг синусли бузилиши 60-92% болаларда рўйхатга олинди - кўпинча — синусли брадиаритмия (58%), камроқ — тахиаритмия (34%) кузатилди. ST–T қоринча комплексининг якуний қисмидаги ўзгаришлар барча ЭКГ текшируви ўтказилган болаларда аниқланди. ST сегментининг юқорига кўтарилиши (чап кўкрак соҳасидан) 71% болаларда, T тишчасининг ўзгариши 63-97% да, бунда T тишчаси 58% болаларда пасайганлиги учради. ЭКГ даги бошқа ўзгаришлар орасида 80% болаларда ўнг қоринчанинг ортиқча зўриқиши аниқланган. Кўп ҳолларда (34%) болаларда атриовентрикуляр ўтказувчанликнинг, кам ҳолларда (20%) QT интервалининг бироз қисқариши ёки узайиши рўйхатга олинган.

Бир ойга тўлган 1-гуруҳ болаларнинг юрак-қон томир тизими ҳолатида ижобий динамика кузатилган. Уларнинг кўпчилигида – микроциркулятор бузилишлар камайган, юрак ритми стабиллашган, барча пациентларда юрак тонларининг товуши қониқарли бўлган. Бу гуруҳдаги болаларнинг ярмидан кўпида (57%) ЭКГ – параметрлари яхшиланган ёки меъёрлашган.

Ушбу гуруҳ болаларда кардиоспецик изоферментлар фаоллигини ўрганиш унинг меъёридан анча юқори бўлганлигини тасдиқлади (3-жадвал).

3- жадвал

Юрак-қон томири тизимининг дисфункционал ҳолати аниқланган болаларда кардиоспецифик изоферментларнинг кўрсаткичи, (моль/л).

| Кўрсаткич | Ёши, кун | Соғлом болалар, n =15 | Дисфункционал ҳолат, n=22 | Патологик ҳолат, n=12 |
|-----------|----------|-----------------------|---------------------------|-----------------------|
| КФК | 3-5 | 2,26±0,16 | 3,31±0,15*** | 4,37±0,21***^^^ |
| | 14-21 | 0,39±0,05 | 2,12±0,11*** | 3,2±0,26***^^^ |
| | 30-40 | | 1,19±0,14 | 2,11±0,61** |
| ЛДГ | 3-5 | 11,9±0,74 | 12,9±0,6 | 14,12±0,64* |
| | 14-21 | 4,85±0,57 | 9,78±0,78*** | 12,82±1,05***^ |
| | 30-40 | | 7,91±0,84 | 10,31±0,24***^^ |

Изоҳ: *,**,***- соғлом болаларнинг кўрсаткичидан ишончли фарқи ва ^,^^, ^^ - асосий гуруҳдан P<0,05, P<0,01 и P<0,001, мос равишда.

Энг яқин катамнезда олиб борилган текширувлар дизадаптация синдроми бўлган болаларда КФК ва ЛДГ даражаси иккала гуруҳдаги болаларда ҳаётининг 40-кунигача юқори бўлганлигини кўрсатган.

Шундай қилиб, юрак дизадаптациясининг яширин клиник шакллари аниқланганда туғруқхонадан уйга жавоб беришда ва 40 кунлигида ЭКГ текширувини ўтказиш лозим.

Сариқлик синдроми. Клиник-диагностик белгиларнинг дифференциацияланган тахлили шуни кўрсатдики, транзитор ҳолатда бўлган барча болалар юз ва кўкрак қисми енгил сариқликка эга бўлганлар ва ҳаётининг 7-10 кунда йўқолган. Дисфункционал ҳолат аниқланган чақалоқларда сариқликнинг анча кеч – ҳаётининг 25-30 кунига келиб йўқолиши аниқланган; 12% болаларда иктериклик даражаси пасайган, қолганларда (87,8%) эса сариқлик 4-5 ҳафтадан сўнг йўқолган. Гипербилирубинемиянинг 171-250 мкмоль/л даражаси мавжуд бўлган чақалоқлар сони транзитор ва патологик ҳолатларга нисбатан 3,3 ва 1,1 баравар кўп бўлган (4-жадвал).

4-жадвал.

Гипербилирубинемия даражасига қараб сариқлик синдроми кузатилган чақалоқларни ажратиш

| Гипербилирубинемия, мкмоль/л | Транзитор ҳолат (n=20) | | Дисфункционал ҳолат (n=76) | | Патологик ҳолат (n=18) | |
|---------------------------------|---------------------------|------|-------------------------------|---------|---------------------------|---------|
| | мутлақ | % | мутлақ | % | мутлақ | % |
| ≤ 170 | 14 | 70,0 | 11 | 14,5*** | 2 | 11,1*** |
| 171- 250 | 4 | 20,0 | 56 | 73,7*** | 13 | 72,2*** |
| ≥ 255 | 2 | 10,0 | 9 | 11,8 | 3 | 16,7 |

Изоҳ: * - чегара ҳолати маълумотларига нисбатан фарқ сезиларли (***) - P<0,001

Шундай қилиб, дисфункционал жигар ҳолатининг белгилари сариқлик синдромининг эрта кўриниши (24-48 соат ичида), кейинчалик (3-4 кундан кейин) сариқликнинг ошиши ва узоқ кечиши (3 ҳафтадан ортиқ), қонда умумий билирубин кўрсаткичларининг (200 ммол/л дан ортиқ), жумладан унинг бевосита фракциясининг нисбий ошиши (15% дан ортиқ) билан характерланди. Қайд этилган ўзгаришларга қарамасдан, болаларнинг умумий аҳволи қониқарли эди.

Жигар фаолияти бузилган чақалоқларда асосий биокимёвий кўрсаткичлар бўйича турли муаллифларнинг маълумотлари таққосланганда (5-жадвал) бизнинг маълумотларимиз билан мослигини кўрсатди.

ДФХ бўлган болаларда жигарнинг ултратовушли текшируви ўтказилганда билиар тизимда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: ўт қопи деворининг қалинлашиши ва таркибининг ҳар хиллиги (бу ўтнинг ёпишқоқ оқувчанлиги хоссасининг ўзгарганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин) унинг ёпишқоқлигининг ошиши, сладж ва ўт қопидаги реактив ўзгаришлар.

Физиологик сариқликнинг узоқроқ кечишида жигарга таъсир кўрсатувчи турли сабаблар гепатобилиар тизимнинг меъёрида ишлашига тўсқинлик қилган. Бундай ҳолат ўт кислотаси синтези, конъюгацияси, энтерогепатик

циркуляция ва экскрециясини бузилишига олиб келган. Бундай ўзгаришлар ўтнинг ёпишқоқлик ва оқувчанлиги хоссасини ҳамда унинг ўт қолида реактив ўзгаришларини чақирган.

Шундай қилиб, физиологик сариқликнинг узоқроқ кечиши кузатилган чақалоқларда жигарнинг дисфункционал ҳолати фақатгина унинг экскретор функциясининг бузилиши билан намоён бўлади ва жараённинг компенсация босқичи ҳисобланади.

5 - жадвал

Чақалоқлардаги сариқлик синдромида асосий биокимёвий кўрсаткичлар (турли муаллифларнинг маълумотларига кўра)

| Муаллифлар | Умумий билирубин (мкмоль/л) | Боғланмаган билирубин (мкмоль/л) | Боғланган билирубин (мкмоль/л) | Ишқорлифосфат аза (МЕ/л) | АлАТ (Е/л) |
|--------------------------|--|----------------------------------|--------------------------------|--------------------------|------------|
| Ш.Шерлок, Дж.Дули (1999) | 5-17 мкмоль/л (0,3-1,0 мг%) 15% дан кам | - | - | 35-130 | 5-35 |
| А. В. Дегтярева (2008) | 208 | - | - | 201 | 60 |
| И. Н. Гориков (2012) | 301 | - | - | 188 | 66 |
| А.А. Григоренко (2015) | 280 | - | - | 141 | 59 |
| Ўз маълумотлари миз | 289,3±3,2 | 244,2±2,1 | 45,1±0,47 | 189,1±2,8 | 68,3±1,1 |

Ошқозон ичак тизимининг дисфункционал ҳолати. Неонатал даврда ошқозон-ичак тизимининг функционал бузилишлари чақалоқлар туғилгандан сўнг 24-36 соат давомида гастроинтестинал синдром (ГИС) белгилари - қусиш – 88 %, қусукни кислотали бўлиши – 79 %, ичак санчиқлари – 60,7 %, нажасда макроскопик ўзгаришлар – 91 %, ич қотиши – 39,3 % кўринишида намоён бўлган.

Туғилганда (аспират ва меконий) ҳамда ҳаётининг 3 ва 10-кунларида ичакнинг бактериялар билан эгалланганлигини ўргандик. Ҳаётнинг 3-кунига келиб лактобактериялар чақалоқларнинг 81,3 % аниқланиб, уларнинг даражаси 10^6 - 10^{10} КОЕ/г ни ташкил қилган; болаларнинг 18,7 %

лактобактериялар учрамаган. Айни вақтда 10^6 КОЕ/г гача бўлган бифидобактериялар фақат 12 % болалардагина аниқланган. Чақалоқларнинг 56,3 % нормал *E.coli* (10^5 - 10^{10} КОЕ/г), 50 % – энтеробактериялар - *proteus spp.*, *Enterobacter spp.*, лактозонегатив ва заиф ферментловчи *E.coli* униб чиққан.

10-кунга келиб лактобактериялар барча чақалоқларда (10^5 - 10^{10} КОЕ/г), бифидобактериялар эса, худди аввалдагидек, фақат 12 % аниқланган. Нормал *E.coli* текширилганларнинг 62.5 % юқори титрларда - 10^6 - 10^{10} КОЕ/г да, энтеробактериялар (*Proteus spp.*, *Enterobacter spp.*) чақалоқларнинг 18 % учраган.

Шундай қилиб, чақалоқлар ҳаётининг 10 кунидан кейин ичак микробиоценози болаларнинг фақат 50 % шаклланган. Ошқозон ичак тизимининг дизадаптацияси синдромига учраган чақалоқларнинг ярмидан зиёдроғида унинг нормал микрофлорасининг тикланиш жараёни издан чиққан.

Буйракларнинг дисфункционал ҳолати. Олигурия (бир неча кундузда 15мл/кг дан кам) ва шиш синдромининг мавжудлиги буйраклар фаолияти бузилиши борлигига шубҳа уйғотади. Белгиларнинг узоқ вақт давомида сақланиб туришини таҳлил қилиш бизга буйраклар функцияси бузилишини дифференциация қилишга ёрдам берди.

7 кунлик (ва ундан катта) чақалоқларда ўтиб кетувчи ҳолатларнинг белгилари сақланиб турганда буйраклар фаолияти бузилиши мавжуд деб қараш ва нефропатия характерини аниқлаш мақсадида текширувдан ўтказиш лозим.

Буйраклар дисфункционал ҳолатининг клиник кўриниши чақалоқлар ҳаётининг дастлабки уч кунда шиш синдроми билан характерланиб, биринчи ҳафтасида максимал даражада намоён бўлган ва биринчи-иккинчи ҳафталарнинг охиригача сақланиб турган ҳамда ҳаётининг иккинчи-учинчи ҳафталарининг охиригача давом этиб диурезнинг пасайиши билан характерланган.

Ферментурияни текшириш асосан буйрак касалликларини ташхислаш учун муҳим. Чунки нефротелий ҳужайралари унинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади (6-жадвал).

Барча болаларда ҳаётининг 5-7 кунда пешобда ишқорий фосфатаза (ИФ)нинг юқори даражаси аниқланган. Транзитор ҳолатда бу кўрсаткичлар ҳаётининг иккинчи ҳафтасининг охирига келиб пасайган ва биринчи ойининг охирига меъёрлашган. Буйракларнинг дисфункционал ва патологик ҳолатларида эрта неонатал даврнинг охирига келиб пешобда ИФ нинг фаоллиги тегишли равишда 5,1 ва 6,2 баробарга кўп бўлган.

Ҳаётининг 5-7 кунда чақалоқларда холинэстеразининг фаоллиги соғлом кўрсаткичлардан 3,6 ва 5,7 баробарга юқори бўлиб, неонатал даврнинг охирига келиб мос равишда 2 ва 8,5 марта ортиқ бўлган.

Чақалоқларда буйракларнинг ДФХ да гиперферментуриянинг узоқ вақт сақланиши аъзонинг морфофункционал, асосан унинг тубуляр етилмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

6-жадвал

Буйрак фаолияти бузилиши кузатилган чақалоқларда пешобдаги ферментларнинг фаоллиги

| Креатинин кўрсаткичи, бирл/мг | Ёши | Транзитор ҳолат (n=20) | Дисфункционал ҳолат (n=26) | Патологик ҳолат (n=8) |
|-------------------------------|---------|------------------------|----------------------------|-----------------------|
| Ишқорий фосфатаза | 5-7 кун | 115,2±2,4 | 142,3±1,3*** | 178,2±1,9*** |
| | 2 ҳафта | 89,1±2,8 | 163,7±2,1*** | 202,4±1,3*** |
| | 1 ой | 37,3±2,7 | 189,5±1,1*** | 228,2±1,9*** |
| Холинэстераза | 5-7 кун | 7,6±0,3* | 8,8±0,4* | 14,9±0,5* |
| | 2 ҳафта | 6,9±0,4* | 10,9±0,22* | 19,7±0,41* |
| | 1 ой | 5,6±0,4* | 11,8±0,2** | 47,8±4,2** |


Изоҳ: * - транзитор ҳолатнинг кўрсаткичига кўра ишончлилик тафовути (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Шундай қилиб, ҳаётининг дастлабки кунда пешобда ферментлар фаоллигини аниқлаш, касалликнинг прогнози ҳали номаълум бўлганда, буйраклар дисфункционал ҳолатининг кечишини башорат қилиш ва ташхислаш имконини беради.

Чақалоқларда эрта неонатал даврда дисфункционал ҳолатнинг интеграл баҳолаш функционал бузилишларнинг ривожланишида алоҳида ёки биргаликда прогностик ёки клиник мезонлар бўлиб хизмат қилувчи патология ривожланишининг турли хавф омиллари мавжудлигини кўрсатди.

Касаллик хавф омилларини аниқлаш (чегаравий ҳолатлар босқичидан бошлаб, реабилитациясигача бўлган даврда патологик ҳолатларни эрта ташхислаш) бошқа тактик ва терапевтик ёндошишларни талаб қилади.

«Янги туғилган чақалоқ дисфункционал ҳолатининг патогенетик бўғини ва антенатал диагностика» номли **тўртинчи боб** чақалоқлар дисфункционал ҳолатининг патогенетик звеноларини ўрганиш натижаларига ва уни антенатал ташхислашга бағишланган. Ҳомиладорларда экстрагенитал касалликларнинг бўлиши ҳомила ва чақалоқда турли патологик ҳолатлар ривожланишининг хавф омили бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун 278 аёлда ретроспектив акушерлик ва гинекологик анамнези ўрганилган. Бунда ҳомиладорликнинг қандай якун топиши ва кўп учрайдиган соматик касалликларга алоҳида эътибор қаратилган (2-расм).



2-расм. Йўлдош экстрагенитал касалликларнинг сони, (%).

ДФХ бўлган болалар анамнези шуни кўрсатдики, ўрта ва оғир даражадаги темир танқислиги камқонлиги бошқа касалликларга нисбатан уларда 2-3 баробар кўп учраган.

Ушбу ҳомиладорликда сурункали тубулоинтерстициал нефритнинг зўрайиши аёлларнинг деярли ярмида ташхисланган.

Меъда-ичак тизимининг сурункали касалликлари орасида гастрит (12,2%) ва холецистит (15,1%) энг кўп учраган. Оналарнинг учдан бирида метаболлик синдром - асосан қандли диабет (10,4%) ва семизлик (13,7%) аниқланган.

Юқори нафас йўллариининг яллиғланишли касалликлари ва юрак-қон томири патологияси тегишли равишда, ҳар учинчи ва тўртинчи беморда ташхисланган.

Касалликлар сонининг кўп бўлиши шубҳасиз, акушерлик патологиясига таъсир кўрсатади (7-жадвал). 34 ҳафталикгача бўлган муддатда текширувдан ўтказилганларнинг ярмида оғир преэклампсия кузатилган. Деярли худди шундай кўрсаткичлар кўп сувлилик ҳолатида ҳам (гестациянинг 26-28 ҳафтасидан сўнг) қайд этилган.

Ҳомиладорларнинг беш қисмида туғруқнинг кечиши қоғоноқ сувининг вақтидан олдин кетиши билан асоратланган, туғаётган аёлларга инфекциянинг тарқалишини олдини олиш мақсадида антибиотиклар юборилган бўлса ҳам, 37 ҳафтадан кейинги муддатда аёлларнинг уч қисмида сувсизлик даври 18 соатдан ортиқ давом этган. 24,1% аёлларда туғруқ тез суратда жадал кечган (туғруқнинг давомийлиги 6 соатдан камни ташкил қилган, ўртача $4,5 \pm 0,7$ соат).

Шундай қилиб, оналарнинг соматик анамнези чақалоқлар дисфункционал ҳолатининг патогенезида экстрагенитал патология хавф омилларининг ролини ўрганиш, ҳамда функционал бузилишни башоратлаш ва эрта клиника ташхислаш учун асос бўлиб хизмат қилди.


Текширувдан ўтказилган болаларнинг акушерлик анамнези (%).

| Кўрсаткич | Бор | Йўқ |
|--|------------|------------|
| Презекламписия | 227 (81,7) | 51 (18,3) |
| Ҳомиланинг чаноқ билан олдин келиши | 9 (3,2) | 269 (96,8) |
| Ўқиға ўралиши | 47 (16,9) | 231 (83,1) |
| Нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши | 42 (15,1) | 236 (84,9) |
| Кўпсувлилик | 76 (27,3) | 202 (72,7) |
| Қоғоноқ сувининг барвақт кетиши | 57 (20,5) | 221 (79,5) |
| Узоқ вақт сувсизлик даври | 88 (31,7) | 190 (68,3) |
| Туғруқ фаолиятининг сустлиги | 47 (16,9) | 231 (83,1) |
| Жадал туғруқ | 67 (24,1) | 211 (75,9) |
| Кесар кесиш амалиёти | 45 (16,2) | 233 (83,8) |

Ретроспектив таҳлил (вазоят-назорат) ёрдамида ҳомиладорликнинг асорати (ёки ҳомиладорликнинг асоратли кечишига олиб келувчи касалликлар) ва чақалоқларда дисфункционал ҳолатнинг ривожланиши орасидаги боғлиқлик аниқланди. Имкониятлар ва юзага келиш хавфлари ҳамда чақалоқларда функционал бузилишларнинг ривожланиши ҳисоблаб чиқилди.

